

Ўзбекистон Республикаси
Давлат китоб нашриёти

ТОНГ ЮЛДУЗИ

№34

(6552)

6 октябрь, 1993 йил

ЧОРШАНБА

Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

СЎРАБ, ЎРГАНГАН ОЛИМ...

В. БОЛДОВ, Самарқанд вилояти Ўқувчилар саройининг ўқув-тарбия ишлари бўйича мудир:

— Кейинги йилларда ўқувчиларимизнинг мактабдан ташқари муассасаларга қизиқиши камайгани сезилиб қолди. Бунинг оқибати ҳаммангизга маълум — бекор қолган бола кўчада тентирайди, ёмон йўлга кириб

кейтиши мумкин ва ҳоказо... Бунинг олдини олиш мақсадида биз ишимизни "қайта қуриш"дан бошладик. Иш фаолиятимизни, унинг тизими ва дастурларини қайтадан кўриб чиқдик. Саройимиздаги барча тўғарак ва унинг аъзоларини ёш жиҳатига қараб бўлдик. Бугунги кунда бу ерда "Кичик ёшдаги болалар ижод маркази" ишлаб турибди. Биз бу марказда ишни 4-5 ёшдаги

болалардан бошлаймиз. Уларнинг лаёқати, қизиқишига қараб, тўғарак машғулотларига тайёрлаймиз. Мактабга боргандан кейин ҳам улар билан бирга бўламиз. 9-синфга қадар бу марказ аъзолари билан иш олиб бориб, уларнинг қизиқишларини ҳар томонлама қондиришга ҳаракат қиламиз, истаган ҳунарларини ўргатамиз.
(Давоми 2-бетда).

Мактабдан ташқари муассасалар бугунги кунда ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустақамловчи, ҳунар ўргатувчи даргоҳлардан ҳисобланади. Мактабдан ташқари, деб номланишига қарамасдан бу муассасалар илм масканлари билан чамбарчас боғлиқ. Дарсларда ўтилган мавзуларни қўшимча мустақамлаш, меҳнат таълими фани дастурини тўлдириб, болаларга ҳунар ўргатиш бу ижодиёт уйлариининг асосий вазифасидир. Аммо, кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйлари ҳам барча бошқа соҳалар каби қийинчиликларга учради. Шундай бўлишига қарамай, мактабдан ташқари муассасалар ходимлари бор куч ва билимларини ишга солиб, ижодиёт уйлари, ўқувчилар саройларига болаларни жалб этишга ҳаракат қилишмоқда. Янги тажриба ва дастурларни амалга оширишиб, тўғараклар ишининг қизиқарли бўлишига эришишяпти. Кунни кеча пойтахтдаги Республика Ўқувчилар саройида бўлиб ўтган вилоят ўқувчилар уйлари ходимларининг кенгашида ана шундай янги тажрибалар ва усуллар ҳақида сўз юритилди.



Ким олади-ё шугинани-ё
Р. АЛЬБЕКОВ
туширган сурат.

Обуна-94

« ТОНГ ЮЛДУЗИ » — МЕНГА ҲАМРОҲ

Жуда ёшлигимдан онам босилаётган турли менга кашта тикишни мавзулардаги мақолалар, ўргатган. Иккимиз ҳозир ҳар ҳикоя ва шеърлар менинг ойда икки-уч ёстиқ жилдига адабиётга бўлган ихлосимни етарли каштани тикиб янада орттиряпти. битказадиган бўлганмиз. Бу Ҳаётимизни тўғри тушунишга оиламизга бир қанча кўмаклашяпти. Кунни кеча эса «Тонг юлдузи»га кейинги йил иқтисодий кўмак бўлмоқда. «Тонг юлдузи»га кейинги йил учун обуна бошланганини ўзи таътилнинг охири эшитдим ту тез кунларда ойида онам бозорга олиб сақлаб қўйган пулимни олиб, чиққан каштанинг пулидан почтага боришни ният қилиб «Истаган нарсангни сотиб ол», қўйдим. «Тонг юлдузи» янги деди. Мен ҳеч нарса сотиб йилда ҳам менга, албатта, олмасам ҳам пулни тежаб ошно бўлади.

«Тонг юлдузи» газетасини Г. ҚУРБОНОВА, узок йиллардан буён қизиқиб Андижон вилояти, Бўз туманидаги ўқиб келаман. Унда 2-мактаб ўқувчиси.

Диққат! Диққат!

Қадрли газетхон! Аввал хабар қилганимиздек, 1 октябрдан бошлаб сизнинг севимли газетангиз "Тонг юлдузи"га 1994 йил учун обуна бошланди. Ўтган сонларнинг бирида биз газетамизнинг бир йиллик обуна баҳосини 3.840 сўм деб эълон қилган эдик. Бугунги кундаги иқтисодий аҳвол, нарх-навонинг ўзгариб туриши натижасида биз ҳам газетанинг баҳосини аниқ белгилашда қийинчиликларга учраб турибмиз. Аммо бугун сиз — азиз газетхон ўқувчиларимизга газетанинг бир йиллик обуна баҳоси аниқ белгиланганлиги ва у бир йилга 3.048 сўм эканлиги ҳақида хабар қилмоқчимиз. Шундай қилиб, ГАЗЕТАНИНГ БИР ДОНАСИ — 63 СЎМ 50 ТИЙИН.

Азиз ота-оналар, ўқитувчилар, кутубхоначи ола-сингиллар! "Тонг юлдузи" муҳарририяти сизларнинг кўмакларингизга ишонади. Маънавияти қашшоқ халқ ҳеч қачон чинакам бой бўла олмайди. Шу сабаб ҳам ўқувчиларингизнинг, фарзандларингизнинг зиёли, билимдон бўлишларига сиз ҳар тарафлама ёрдамлашинг. БУ ЗИЁ ВА БИЛИМНИ СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗ, ФАРЗАНДИНГИЗ, ЎҚУВЧИНГИЗ ОНГИГА "ТОНГ ЮЛДУЗИ" ОЛИБ КИРАДИ. Шундай экан, уларнинг газетамизга обуна бўлишларига кўмаклашинг.

Обуна баҳоси:
6 ОЙГА — 1.524 сўм
1 ЙИЛГА — 3.048 сўм

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
№ ТОНГ ЮЛДУЗИ № 64563
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сон											
1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манвил)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАН ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64563
п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

№ ТОНГ ЮЛДУЗИ №
(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман-вилга юбориш	баҳоси	сўм	сон

1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манвил)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

(Давоми. Бошлангичи 1-бета). Саройимиз қошида гимназия ташкил этдик. Унинг ўқувчилари яна шу "Кичик ёшдаги болаларнинг ижодиёт маркази" аъзоларидир. Унинг ўқувчилари бошқа гимназиядагиларга ўхшаш умумтаълим дарсларини ўрганишади. Бундан ташқари уларнинг ўқув дастурларида "Ижод соатлари" бор. Бу дарсда ҳар бир ўқувчи ўзининг истеъдоди, қизиқишига қараб алоҳида (индивидуал) сабоқ олади. Бу соатда синфда 15 нафар ўқувчи бўлса, шунча

болалар иштирок этишади. Бу эса шунча боланинг вақти бекор ўтмади, деган гап. Якшанба куни "Саройга оила билан" деб номланган тадбирларимизни ўтказамиз. Унда ота-оналар ҳам иштирок этиб, фарзандларининг қилаётган ишларини кўришади.

Иш фаолиятимизнинг жуда кўп эътибор талаб этадиган томони — иқтидорли болалар билан ишлаш. Саройимиз ходимлари бу болалар билан алоҳида машғулот ўтказишади. Улар учун биз

Самарқанд шаҳридаги 63-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Наргиза Бердиева уч йилдан буён вилоят Ўқувчилар Саройининг гиламдўзлик тўғарагига аъзодир. У жуда ёшлигидан нақшли расмлар чизишни ёқтирарди. Буюк рассомлар қўли билан битилган натюрморт ва табиат тасвирлари уни ўзига ром этарди. Наргиза бугун ўша таассуротларини ўзининг хаёлида жонланган ранглар ва чизиқлар билан қориштириб, гиламларга эскизлар чизишни ўрганмоқда.

Р. Альбеков туширган сурат.



Сўраб, ўрганган олим...

ўқитувчи уларга дарс беради. Бу эса болаларни жуда ёшлигидан бадий ижодга, санъатга меҳр қўйишига, ўзларидаги бор истеъдодни намоен эта олишларига имкон бермоқда.

Бу кичик ёшдаги болалардан ташқари, Саройимизда "Катта ёшдаги болалар ижод маркази" ҳам бор. Унинг аъзолари иштирок этаётган тўгарак машғулотларининг дастурлари мактаб ўқувчилари билан келишилган ҳолда тайёрланган. Мактаблар билан алоқамиз мустаҳкам. Бу эса катта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳунар ўрганишлари, олий ўқув юртларига киришларига кўмак бўлмоқда.

Ҳафтанинг ҳар куни марказларга бўлиб берилган. Марказдаги тўгаракларда машғулотлар давом этиши билан биргаликда, ҳар куни ҳар хил тадбирлар ўтказилади. Уларда эса 300-400 га яқин

вилоят ва республикадаги ижодий уюшмалар — ёзувчилар, композиторлар, рассомлар уюшмалари аъзоларини жалб этганмиз. Шанба куни Саройимиз машғулотлари фақат ана шундай иқтидорли болалар учун ўтказилади.

Қийинчиликлар, муаммолар йўқ десам алдаган бўламан. Аммо ҳар қандай — ҳоҳ у иқтисодий, ҳоҳ бошқача бўлсин, биз келажагимизни ўйласак уларни енгишимиз, болаларимизга бахтли болалик ато этишимиз зарур.

Ф. ФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман ўқувчилар ижодиёт уйи директори:

— Туманимиз асосан Эски шаҳар, Чорсу бозорини қамраб олган. Унда масжид ва диний муассасалар бошқа туманларга нисбатан кўпроқ. Аҳолининг келиб-кетиш оқими ҳам кучли. Шу сабаб ҳам биз

КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА:

• Мактабдан ташқари муассасаларнинг сони 7 тага кўпайган.

• Шу билан бирга унинг аъзоларининг сони 8 мингга камайган.

• Республика бўйича 4 миллион. 600 мингдан зиёд ўқувчи бўлса, уларнинг 239 минг нафари турли тўгаракларга аъзодирлар.

• Мактабдан ташқари муассасаларда фаолият юритаётган ходимларнинг 20-30 фоизи ўрта маълумотли кадрлардир.

• Бу муассасаларнинг деярли кўпчилигида кутубхоналар ташкил этилмаган. Қиёслаш учун: Андижондаги 28 та ана шундай муассасанинг атиги 6 тасида кутубхона мавжуд.

болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Фан тўгаракларидан ташқари ҳунар ўргатувчи тўгаракларга ҳам жиддий эътибор бераёلمиз. Авваллари бир тўгаракка иштирок этган болага бошқа тўгаракка қатнашишга рухсат берилмас эди. Биз бу тартибни бекор қилдик. Барча ҳунар ўргатувчи тўгаракларни битта қаватга жойлаштирдик. Болаларнинг ўзлари қизиққан тўгараклар машғулотларига қатнашишларига рухсат бердик. Натижаси бизни қувонтирди. Дурадгорлик, ўймакорлик тўгарак машғулотларини бемалол эплаб кетаётган болалар сони талайгина. Ахир йигит кишига қирқ ҳунар оз, деб бежиз айтмаганлар.

М. НАРЗИЕВ, Бухоро вилоят тарбиявий ишлар марказининг сардори:

— Бизнинг энг яхши қилган ишларимиздан бири бу — марказлашган муассаса ташкил этганимиз бўлди. Чунки, авваллари ёш техниклар, ёш табиатшунослар, ёш туристлар ва ўқувчилар уйлари ўз ҳолларига алоҳида фаолият юритишар эди. Ўтган йили биз тўртта мактабдан ташқари муассасаларни бирлаштириб, тарбиявий ишлар марказига айлантиргандик. Энди эса барча ишларимизда мукамаллик сезилмоқда. Биргаликда ўтказилаётган тадбирларга болалар қизиқиш билан иштирок этишяпти.

Ёзги таътил ойларида Бухородаги "Йўлдош" оромгоҳини марказ ўз оталигига олган эди. Марказ ходимларининг барчаси бу оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишлашди. Бу эса болаларнинг дам олишлари билан бирга бирон яхши ҳунар эгаллашларига кўмаклашди. Бу тажрибани ўқув йили бошлангач маҳаллаларимизда ҳам давом эттирдик. Бугунги

кўпгина маҳаллаларимизда тўгараклар ишлаб турибди. Уларга биз қариллик гаштини сураётган, тажрибали ўқитувчиларни жалб этдик. Улар ўз билимларини ёшларга турар-жойларида — ЖЭКлар қошида, маҳаллаларда бериб боришяпти.

5-9 -ҳунар-техника билим юртлари, ногирон болалар интернатларида ҳам тўгараклар ташкил этганмизки, уларда ҳам ўқувчилар ўймакорлик, дурадгорлик каби ҳунарларни қизиқиш билан ўрганиб боришяпти. Марказимизнинг вилоят Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси билан алоқаси мустаҳкам. Улар билан ҳамкорликда мактабларда болаларнинг қизиқишларига қараб турли гуруҳлар ташкил этганмиз. Биз бугун бу гуруҳлар ишлари билан мақтансак арзийди. Биргина Шофиркон тумани, Ҳамза номидаги 10-мактабда ташкил этилган "Ўлкашунослик" музейига Республика миқёсида қизиқиш катта эканлигини айтиб ўтсам кифоя. 10 хонадан иборат бу музей ана шундай—қизиқишига кўра ташкил этилган ўлкашунослар гуруҳининг олиб борган ишлари натижасидир.

Болалар ва ўқувчилар уйлари, ижодиёт марказлари, ўқувчилар уйлари, Саройларини мактабдан ташқари, деб атаб бўлмайди. (Россияда бундай муассасалар кўшимча тарбиявий муассаса деб аталаркан). Чунки у бевосита мактаб ўқувчилари учун, уларнинг билимли ва ўқимишли, ҳунарли бўлишлари учун хизмат қилади. Шундай экан, бу муассасаларнинг ишларини қанчалик ривожлантирсак, шу даражада келажагимизни онгли ва етук ёшлар билан таъминлаган бўламиз.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғашишга ҳаракат қилинг! Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғашинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли каталарни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликларни тўлдирари.

Энди кеч — орзулар, умидлар абас, Ассалом, эй менинг эгачим — онам! Тобора яқинроқ эшитилар сас, Алвидо, бахтимни элаган онам.

Чошгоҳдан сўнг ўни қабристонга қўйиб қайтишди. Таомилга кўра, яна ўша хонадондан йиғи кўтарилди. "Вой, болам!", "Вой, иним!" деган уввос бутун қишлоқни тутди, булутда бу айрилиққа чидалмади, етилган чоклари сўтилди, шифалаб-шифалаб емғир қўйди. Хамма йиғлади, емғирга ҳамоҳанг шикаста кўнгиллардан оғир ва эзгин йиғи тўкилаверди. Фақат марҳумга она тутинган аелгина йиғламади. Чунки у

ЎГАЙ

Расул аканинг ўзи шофер. Оила ташвишида уйдан субҳи содиқда чиқади, шомда қайтади. Уша кун аниқ едида: машинадан тушиши билан қўшнисининг қизчаси югуриб келди-да: "Сиз ўғилли бўлдингиз, суюнчи беринг" деди. Қандоқ уйга кирганини билмайди, ўғилчасини ўпиб кўяр экан, кўзларига еш келди. Бу мамнунлик ешлари эди. Аммо бу севишч узоққа чўзилмади, бурунғилар таъбири билан айтганда: она ўз умрини фарзандига берганди...

Расул ака кўп қайғурди, елғиз ўзи бир ҳафта уйга қамалиб олиб, узлуксиз кўз еш тўкди. Уйдан чиққанда уни ҳеч ким таний олмади: қора сочлари оқарган, қадди дол, юзларида ажин бўртган эди. Қишлоқ оқсоқоллари уни ўртага олишиб: "Ўлган-ўлди, кетган-кетди, тириклар ҳақида ўйла" дейишди. Расул ака дилдаги бир ўчмас доғ билан фарзанди тўғрисида қайғурди, ҳам она, ҳам оталик қилди.

Йиллар ўтди. Бу вақт оралигиди Расул ака кўп қийинчиликларни тортди. Елғиз бошга яшаш оғирлик қилди ва... оқсоқоллар раъйини қайтара олмай уйланишга розилик билдирди. Кунларнинг бирида фарзандига бир аелни рўбарў қилди-да, деди: "Энди шу аел сенга Она бўлади. Айтганини қил".

Қодир ота айтганини қилди, ҳатто оширди ҳам. Турмуш яна ўз жойига тушгандек эди, тотувлик бор эди бу хонадонда. Тўрт йил шу зайлда ўтди, бешинчи йили эса... она ўгайлигига борди — фарзандни хўрлайдиган бўлди. Меҳр қаҳат бўлди. Илкида ота бундай ҳолатга куюнди, тотувликни қайтариш ниятида она шағнига кўп ва хўп гапларни айтди. Ҳари бефойда. Охири ота тақдирга тан берди, ҳаммасини ҳаёт оқимида ташлади.

Қодир субҳи содиқда туради, ушоқ молларига емак беради, икки қир наридаги кориздан эшаги билан сув ташиб, уларни суғоради, эрталабки чойга ўтиради, бошида онаси туради, ундоқ қилиб е, бундоқ қилиб е, деб бақиради, калтакдан тушиб ҳам қолади, нонушта заҳар-заққумга айланади, лекин у индамайди, гуноҳкорона бош эгади, отаси айтмоқчи, қуйилиб қолар, деб ўйлайди. Шундай пайтларда онасини кўп бор эслайди, "Онам ҳам мени шундоқ урармиди?" деб ўзига саволлар беради. Лекин ҳеч бир

ўйининг адоғига етолмайди. Чунки у онасини кўрмаган, бағрида эркаланиб "о-н-а-а" деелмаган, она ҳидини тотолмаган. Лекин отасининг бағрида ўсди, унинг устидан доимо бензин ҳиди келиб турсада яхши, эркаликларини кўтарди, кўп жойларга ўзи билан бирга олиб борди, кўп нарсаларни ўргатди. Отаси яхши, лекин онаси... у тушунолмайди, онасига нима етмайди?

Мактабга боради, ўтилган дарслар сўралади, у жим. Чунки тайгерланишга на шароит ва на йўл-йўриқ кўрсатувчи бор. Отаналар мажлиси бўлади, кўпчилик олдида она изза қилинади, алам қилади. Қодирни ўлдиргудек



важохат билан уйга қайтади, Қодир ҳаммасини тушунади, калтак ва ҳақоратларга ўзини тутиб беради. Лекин отасига айтмайди, нима ҳам ўзгартириши мумкин, деб ўйлайди. Бир-икки кун ўтиб оғриқ кетади. Қодир ҳаммасини унутгандек бўлади. Бироқ нималаргадир тушуниб ета бошлайди — бу бегоналик! Туйқус калласига бир фикр келади, уйдаги ҳолатни ўзгартирмоқчи бўлади, онам шундан сўнг ўзгариб қолар, деб ўйлайди ва...

БИР КУНЛИК КЎНАЛҒА

Кийикчага икки бўлак нонни солиб, чошгоҳ маҳал тоққа қараб йўл олади. Бу осмонлар тоғларга кўп чиққан, кўп илониз йўлларни билади. Узоқ юрди, дили яйради, ўзини эркин ҳис этди, чарчоқни унутди, бақириблар кўрди, акс-садолар келди. Булоқ бошига етди ва нонини сувга ивитиб, узоқ чайнади. Шу куйи кўп ўтирди, қуеш тоғлар ортига яширинганда у безовталана бошлади — қаерда етаман?

"Уйга қайтсаммикан?" деб ўйлади, бироқ онасининг бўсағада қандай кутиб олишини тасаввур қилди-ю юраги ортга тортди. Бу унинг биринчи бор кўрқиши эди. Англадики, номаъқул иш қилган. Ота ҳам, она ҳам буни кечирмас.

Ғор! Бу сўз унинг хаелига келганда, шом туша бошлаган эди. Бир қир нарида ғор бор эди, тунги қўналға бўлиши мумкин. У ўша томонга шиддат билан одимлади. Етди, аммо ғор олдида туриб қолди, чунки ғор ичи қоронғу ва кўрқинчли эди. Кўрқув унинг бутун вужуди бўйлаб тарқалди.

"Энди нима қилдим?" деб ўйларди у шу туришда. "Барибир киришим керак". Ортга йўл йўқ. Кирди, ўтирди, бир мунча вақт атрофни кузатди, сўнгра кўзларини юмди.

Туш кўрди: баланд қоямиш, унинг бағридаги яссиликда кийик ўтлаб юрганмиш, оппоқмиш. Қаердадир кўргандек бўлармиш, аммо таниб-таниёлмасмиш, таниёлмай-танирмиш. Уни ўзи томон чорлармиш... Банагоҳ ниманингдир овозидан чўчиб уйғонди, атрофни зингил кузатди — жимжитлик. Яна

ўзини оғир ва кераксиздек ҳис этди. Ким биландир гаплашгиси, дардлашгиси келди. Яшашга мақсад излади — тополмади. Сиқилди, ички томондан тийиқсиз бир ингроқ отилди — йиғлади. Ёмон йиғлади. Бу йиғини ҳеч ким эшитмади ўзидан бошқа.

Қанча вақт ўтганини билмайди, жойига чўзилди, борлиқ маънисиз эди, вужуд қақшар, ҳолеиз, мадорсиз эди. "Тоққа чиқиб кетаман, — деб ўзича қатъий фикрга келди. — Тезроқ тоне отсайди, тезроқ..."

Уйқўға кетди, яна ўша — оппоқ-оппоқ кийик кирди тушига... бағр эди, бағрда кийик эди, кийик кўзларида чорлов тинмасди...

РУҲ

Одам уйқусидагина ақл билан ҳисоблашмайди. Эҳтимол, бу пайтда руҳлар йўл кўрсатади, деган гап тўғридир.

Ҳозир кунми, тунми — билиб бўлмасди, уни кийик тумшуғи билан туртиб уйғотар экан, деди: "Юр мен билан, узоқ-узоқ юртларга кетамиз.

— Сиз кимсиз?

— Мен кийик қиёфасидаги онанганман.

— Онам. Адашмаган эканман.

— Шундай. Юр, бу ерлардан кетайлик...

СЎНГИ СЎЗ

Бурунғилар инсоният яратилиши-ни шундай нақл қиладилар:

Эзгулик тангриси Ахура Мазда қалбга тўрт унсурни жойлаб Одамни яратди. Одамни дуненинг ягона ворисига нолойиқ деб билган евузлик тангриси Аҳраман бунга қарши Қора фариштани бунед этиб, дунени илонларга, чаенларга, инс-жинсларга тўлдирди. Жанглarning бирида Ахура Мазда Аҳраман мурасасига кўра, Одам қалбининг ярмини юлиб олиб бир вужуд яратди. Бу Момо Ҳаводир. Булардан эзгулик ворислари эгизак фарзандлар дунегга келади. Бу мўъжиза Аҳраманни янада ваҳшийлик сари ундади ва Қора Фаришта билан биргаликда уч иблисваччани яратади. Аҳраман буларни ерга — Одамзод дунесига ташлаб юборади. Одам Ато ва Момо Ҳаво уларни тангрининг тухфаси билиб, ўз фарзандларига қўшиб қўяди. Шу тариқа эзгулик ва евузлик ўртасида абадий жанг бошланган ва ҳамон давом этмоқда.

"Давом этмоқда" дедик. Бунга сабаб баъзиларнинг ҳали номукаммал эканлигидан, уларнинг ўз-ўзини англаш, бир-бирига меҳр қўя олиш даражасига кўтарила олмаганидан далолатдир. Барибир инсоният-яратилишида неки хатолиғ содир этилган бўлмасин, евузлик ниятида айро тушган қалблар меҳр занжири билан чамбарчас боғланмагунча мукаммалликка интилиш кураши давом этаверади.

Қиссадан ҳисса шулки, борлиқ-чигалликлар майдони. Бу майдон ичра эса биргина гултож бор — бу Инсон! Мадомики, шундай экан, туйғулар ичида инсонга бўлган меҳр асрий евузликни синдириб, унинг ўрнини эзгулик билан тўлдирди олади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ижодкор ўқитувчиларнинг II адабий анжумани Гулистон шаҳрида бўлиб ўтганлигидан хабарингиз бор. Буни ўтказишдан мақсад ижодкор ўқитувчиларнинг болаларга дарс бериш баробарида қоралган машқлари билан танишиш, яъни уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ҳамда ёш авлодга таълим-тарбия беришни янада такомиллаштиришда фаолроқ бўлишга ундаш эди.

Ушбу йигинда Халқ таълими вазири Ж. Ф. Йўлдошев, Ўзбекистон халқ шоири Ж. Камол, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин ва Ўткир Ҳошимовлар сўзга чиқишиб, болаларга таълим беришни янгича мазмунга кўчириш ҳақида фикр алмашдилар, ёш авлоднинг эртанги кун камолотида ўқитувчиларнинг хизматлари катталигини алоҳида таъкидладилар.

Жумладан, Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Ф. Йўлдошев шундай деди:

— Тарихан маълумки, ватан тақдирини унинг тупроғида униб ўсаётган қобил ва оқил фарзандлари белгилайди. Шу боисдан, биз кейинги пайтларда иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга жиддий эътибор бермоқдамиз. Бу, албатта, зукко ва билимдон, иқтидорли ўқитувчиларни ҳам аниқлаш демакдир.

Вазирнинг бу гапи қайсидир донишманднинг "бизга яхши ўқитувчиларингизни беринг, сизга шоирларни етказиб берамиз", деган гапини эслатади. Илло, иқтидорли



ўқитувчиларимизнинг сафи қанчалик кенгайса, билимдон ўқувчиларимиз ҳам шунчалик бисёр бўлади.

Анжуман наср, мақоланавислик, болалар адабиети шўъбаси каби йўналишларда бўлиб ўтди. Болалар адабиети шўъбаси (бошлиги Турсунбой Адашбоев) иши таҳлилга, муҳокама ва мунозарага бой бўлди. Унда иштирок этган Раимжон Муҳаммедов (Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги 21-мактаб), Қўчқор Бекмуродов (Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги 22-мактаб), Дилмурод Шокиров (Андижон вилояти, Андижон туманидаги 3-мактаб), Абдусаттор Содиков (Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 1-мактаб), Ботир Холмаматов (Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги 11-мактаб) каби ижодкор ўқитувчилар асарларининг ўқимишлилиги, ҳаётийлиги кўпчилигининг диққатини тортди (қуйида уларнинг қалб кўри билан ёзилган шеърлари билан танишасиз).

Республика ижодкор ўқитувчиларнинг II адабий анжумани ўз ишини тугатди. Ижодкорларнинг бир қатор шеърлари тинланди, муҳокама қилинди, қандай езиш ва ёзмаслик ҳақида фикрлар алмашди. Шахсизки, бу суҳбатлар, учрашувлар, муҳокамалар мустақил юртимизнинг эртанги порлоқ истиқболни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ БЎЛИМИ.

Ўқитувчиларингиз ижодидан

Тоғлар

Ўрқач-ўрқач бу тоғлар —
Туяларнинг қарвони.
Елкасига ортилган
Минг йиллар кўч-кўрони.
Йиллар оша борини
Тўкаверар шу элга.
Бироқ ўзи ҳеч етмас
Кўзлаган манзилига.

Довул

Довулнинг ҳам бормикан
Қайтарувчи эгаси.
Синдиради дарахтнинг
Пишганида меваси.

Меҳр

Узоқлардан қайтди қарга
Олди кутиб бўзтўрғай.
Деди: "Қорним оч, оч эшигинг
Қорнимни бир тўйгазай".
— Хонадоним йўқ, — дер, тўрғай.
Айтсам гапининг сирасин.
Юртни севсанг уя сенга
Ўт-ўланлар ораси.

Зиёрат

Маккадан қайтган бобом
У юртни иссиқ, деди.
Қанча молу кўйи бор,
Бироқ чивин йўқ, деди.
Қандай маза-я, қаранг
Чивин, қуртсиз мамлакат.
Кирсам бобом ёшига
Этгум мен ҳам зиёрат.

Хабарчи

Кўм-кўк боққа қиров кўниб
Барглари тўқди бирдан.
У укасин юборганми
Хабарчи қилиб қишдан??

Чўл тонги

Қирлар бети ёришар
Сойлар гўё тўй ўчоқ.
Борлиқ қушлар завқидан
Ҳаётга очар кучоқ.
Силкинади бошоқлар
Ризқ тутқазиб инсонга.
Чўлнинг янғроқ бу тонги
Тўкилади хирмонга.

Саҳрода

Толиққан ёш бўталоқ
Чанқаб қолди қумлоқда.
Онаси дер: — Дадил бўл,
Болам, манзил узоқда.
Бўталоқ дер: — Ҳайронман,
Кўтартириб сув мешин.



Эгамиз бермай ичар,
Битқазиб бизга ишин.

Кўчқор БЕК.

Хонамда ҳукмрон сассиз
жимжитлик,
Қоронғи пардалар қоплар
кўзимни.
Жўшқин туйгуларим кетдию
хуркиб,
Дарахт чуқурида кўрдим
ўзимни.

Қизганчиқ

— Уканг қўлида конфет
Тўрт дона бўлса агар.
Учтасин берса сенга
Ўзида нечта қолар?
— Вуй, ҳатто биттасин
Укам қилмайди тортиқ.
Ҳаммасини еб қўяр,
Асли ўзи қизганчиқ.

Ўғилой ЙЎЛДОШЕВА.

Айиқ полвон ва асаларилар

Эртақ

Курашдан мусобақа
Ўрмонда роса қизир.
Айиқвой рақибларни
Йиқитарди бирма-бир.
Мана тўнғиз енгилиб
Ортга қайтар эгиб бош.
Мағлуб бўлган Бугунинг
Кўзларидан оқар ёш.
Ўртага чиқолмади
Қаранг, ҳатто шох Арслон.
Айиқвойни курашдан
Енголмади бирор жон.
— Баракалла, оқлади
Полвон деган ишончини.
— Қаердан олган экан
У бунчалик кўп кучни.
Қарсак,

олқиш, хитоблар.


Ҳар тарафдан ёғилар.
Бу мақтовлар албатта
Айиқ кўнглин тоғ қилар.
Шу пайт бир асалари
Виз-визлаб қолди ногоҳ:
— Зўрмизда, кучлимизда,
Шунақада, бизлар, оҳ!
Бир лапашанг Айиқни
Полвон қилиб қўйдик биз.
Асли, голиб у эмас,
Бизлармиз,
биз, виз, виз, виз.
... Асалари сўзлари

Кўпларни ҳайрон қилди.
Шўрлик Айиқ полвоннинг
Мағрур боши эгилди.
Охири чиқолмасдан
Сўз қотди Чиябўри:
— Мақтанишининг сабабин
Қани, бизга айт ари.
Рақибларни йиқитиб,
Айиқ голиб чиқди-ку.
— Қизик, сендан қандайин
Бирор ёрдам олсин у
Бизлар ёрдам қилмасак
Бўлолмасди зўр полвон.
Курашларда ҳам голиб
Чиқолмасди ҳеч қачон.
Ўзин оқлай бошлади
Асалари шундоқ деб.
— Айиқ кучли бўлганда
Биз тўплаган болдан еб...
Мақтанчоқ шундай бўлар:
Ёрдами тегса қилча.
Мақтанишни хуш кўрар,
Кўрсатар буни филча.

Дилмурод ШОКИРОВ.

Истиқлол назми бугун

Ассалом она юртим,
Ассалом ўзбек элим.
Истиқлол назми бугун
Табриқлар ҳатто танграм.
Бугун тонг ҳам ўзгача
Халқ белида қийиқча.
Олам хуснига безатиб
Чирой очмоқда гунча.
Ҳатто чумоли полвон
Тиктириб кимхоб чопон.
Табриқлашга ошиқиб
Тузибди узун қарвон.
Тиним билмас болари
Бол йиғиши мўл ҳали.
Вақт топишиб байрамга
Берар совға болари.
Боглар шарбатга тўлиқ
Ғўза ҳосили бўлиқ.
Лабзи ҳалол деҳқонни
Дастурхони мўл, тўлиқ.
Қушлар сафاردан қайтар
Ҳар жабҳада иш қайнар.
Шўх, лобар, сулув қизлар
Хурлик кўшигин айттар
Мутелик кунлар ўтди.
Соқовли дамлар кетди.
Истиқлол назми бугун
Халқим бахтига етди.
Ассалом она юртим,
Ассалом, ўзбек элим.
Ишон! Сен билан эркам,
Шудир энг улуг бахтим.



Мен Шекспир эмасман,
Буюк асарлар ёзгани.
Мен Репин эмасман,
Турфа тасвирлар чизгани.
Мен оддий ўзбекман,
Чўлда ўсиб улғайган.
Мен бир мард юракман,
Ватан дея тўлганган,
Шеърятга ташнаман.
Илҳом менинг таянчим
Ҳақиқатла ошноман
Шеърим менинг қувончим.

Зокиржоннинг

хаёли

Зокир сигир боқишни,
Жуда яхши кўради
Лекин бир кун онаси
Ажабланиб сўради.
— Нега ўғлим молларни
Ўз вақтида ҳайдайсан
Дарсга кеч қолдинг десам.
Индамай бош чайқайсан.
— Эй, ойижон, ойижон
Мақтабда гўшг, сут қайда!
Ширин чой бўлди армон
Сигир боққанам фойда.

Камол ЎСАРОВ.

Она Ватаним

яхши

Мен туғилиб, яйраган,
Она Ватаним яхши.
Барча хориж ўлкадан
Ўзбекистоним яхши.
Доим меҳрини тўккан,
Меҳрибон онам яхши.
Ёзининг тафтин келтирган
Наврўзи олам яхши.
Турли меваси бўлган,
Олмали баҳор яхши.
Қишда оқ қорга тўлган,
Бодомли тоғлар яхши
Шарқираб сувлар оққан
Ялпизли сойлар яхши.
Чиройи бизга ёққан
Югурдак тойлар яхши.
Одамлар орасида,
Моҳи тобонлик яхши.
Суҳбатлар борасида,
Ширин забонлик яхши.
Мен туғилиб яйраган
Она Ватаним яхши.
Барча хориж ўлкадан
Ўзбекистоним яхши.

Б. ХОЛМАМАТОВ.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъула котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН
ЕИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин уқуми"
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқолди

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-596. 29389 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6